



# Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2011-yil, 2-iyun. Payshanba • 66 (31.342) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



Биз эришган улкан марраларнинг энг муҳими — эски тизимдан бутунлай воз кечиб, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш йўлидан дадил бораётганимиз ва бу жараённинг ҳеч қачон ортга қайтмайдиган қатъий ва изчил тус олганидир.

2010 йилда бюджет соҳаси муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори 32 фоизга, аҳолининг умумий пул даромадлари эса жон бошига 1,3 баробар ошди.



## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 1 июнь кuni Оқсаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси, Литва Республикаси ташқи ишлар вазири Аудронюс Ажубалисни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, унинг мамлакатимизда нафақат ЕХХТнинг амалдаги раиси, балки Ўзбекистон билан азалдан турли соҳаларда яхши ҳамкорлик қилиб келаётган Литва ташқи сиёсат маҳкамасининг раҳбари сифатида ҳам қабул қилинишини таъкидлади.

Учрашувда ЕХХТ олдида турган вазифалар, Литванинг ушбу тузилмадаги раҳбарлиги, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашиди.

Ўзбекистон Президентининг 2010 йил 12 ноябрь кuni Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳақидаги маърузаси давлатимизнинг демократик тараққиёт йўлидан огишмай бориш борасидаги интилишларидан далолат экани қайд этилди.

Аудронюс Ажубалис Ўзбекистон Конституцияси ва миллий унвончилигимизга киритилган ўзгартишлар сиёсий партияларнинг аҳамиятини оширишга хизмат қилишини ва бу йўна-

лишдаги муҳим қадам эканини таъкидлади.

Томонлар минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалаларини ҳам муҳокама қилдилар. Меҳмон Ўзбекистоннинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклашга қўшаётган ҳиссасига юксак баҳо берди.

Учрашувда ЕХХТни тубдан ислоҳ қилиш ва ушбу ташкилот доирасида давлатларнинг ҳамкорлигини ривожлантириш нўқтаи назаридан томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон — Литва муносабатлари ҳақида сўз кетганда, томонлар олий даражадаги сиёсий мулоқотларни давом эттириш, парламентлараро муносабатларни ривожлантириш, ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиш ва алоқаларни кенгайтириш тарафдор эканини таъкидлаш жоиз. Учрашувда савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик, жумладан, Ўзбекистонда Литва компаниялари иштирокида юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш учун салмоқли захиралар мавжудлиги таъкидланди.

(ЎЗА)



## Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар

ижтимоий ҳимояси, турмуш даражасини яхшилаш, ҳаёт сифатини ошириш — халқимизнинг азалий қадрияти

Инсон зоти борки умри давомида ўзидан эзгу амаллар, яхши ном, бирон-бир из қолдириш туйғуси билан яшайди. Бу боқий тамойил одамнинг куч-қувватга тўлган, ёшлик палласида ҳам, кексайган чоғида ҳам ҳеч қачон тарк этмайди. Ҳаётга муҳаббат, тирикликка ташналик ҳисси одамзод қалбидан бир умр ўчмайди.

Лекин табиат ва ҳаёт қонунияти шундайки, бир кун келиб ёшлик ортда қолади, кексалик эшик қоқади. Мана шундай пайтда отахону оналаримиз, аввало, одамларнинг эътибор ва ғамхўрлиги, меҳр ва муруввати, эъзозига қолаверса, давлат ва жамият эътибор ва кўмагига муҳтож бўлади.

Шу ўринда биз мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўлларида қўлга киритаётган улкан ютуқларимизда мўътабар қарияларимизнинг беқиёс хизмати борлигини унутмаслигимиз, уларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишларимизни янада кучайтиришимиз, оғирини енгил, ҳаётини фаровон қилишга интилишимиз зарур.

Президентимизнинг «2011 — 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мана шу эзгу мақсадларнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

⇒ 3



## «Коллеждан — корхонага»

Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан Олтинсой туманида шу масалага бағишланган тадбир ўтказилди.

⇒ 2

## Парламент назорати

мамлакатимизда демократик жараёнларга янгича ёндашув ифодасидир

⇒ 2



Махмуджон МАХКАМОВ,  
ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси.

## Сиёсий баҳс ўрнига УЙДИРМА ⇒ 2

«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,  
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220



### Эътироф

Ўзбекистонда аҳоли фаровонлиги тобора ошиб бормоқда, иқтисодий-ижтимоий ривожланишда, таълим, фан, маданият ва бошқа соҳаларда улкан ютуқлар қўлга киритилаётган. Ўзбекистон иқтисодиёти ўтган 20 йил мобайнида қарийб 3,5 баробар ўсгани, яъни ички маҳсулот аҳоли жон бошига 2,5 баробар, ўртача иш ҳақи 14 баробар ошгани бунинг яққол далилидир.

Шуни алоҳида эътироф этишни истардимки, Ўзбекистоннинг мамлакатни янада модернизация қилиш ва янгилаш бўйича изчил ислохотларни чуқурлаштиришга оид катта тажрибаси кўплаб давлатлар учун барқарор ривожланиш намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин».

Александр ГАПОНЕНКО,  
Европа тадқиқотлари институти президенти  
(Латвия)

### Янгилликлар

Пойтахтимизда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш — фуқаролик жамиятининг муҳим омили» мавзусида семинар ўтказилди.

Унда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий оғни, маданиятини юксалтириш, қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Юртимиздаги етакчи босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларидан фаолият кўрсатаётган журналистлар учун ташкил этилган маъруза семинари машғулотида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ олим ва мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

◆◆◆

«Ўзэкспомарказ»да навбатдаги ички тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси очилди. Бу ерда геология, ёқилғи-энергетика соҳалари, кимё ва нефть-кимё, металлургия саноатининг 80 га яқин илғор корхоналари ўз маҳсулотларини тақдим этмоқда.

Тадбир ташкилотчиларининг таъкидлашича, ички тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси иштирокилари ҳамда бу ерда ташриф буюрганлар йирик корхоналарнинг тақдимот маросимларида қатнашиши, уларнинг техник ва технологик имкониятлари, ишлаб чиқариш, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги ютуқлар билан танишиши, ўзаро тажриба алмашиши мумкин.

Буларнинг барчаси саноат корхоналари учун келгусидаги ривожланиш истиқболларини аниқлаш, бозорларда харидорғир бўлган янги маҳсулотларни ўзлаштириш, буюртмалар портфелини тўлдирishга кўмаклашади.





